















Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи Делегацияси

-  Халқаро бизнес маркази, 15 қават, Амир
Темур кўчаси, 107 Б, Тошкент ш.100084,
Ўзбекистон
-  (+998 78) 120-16-01/02
(+998 78) 120-16-03/04
-  delegation-uzbekistan@eeas.europa.eu
www.eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan
-  eu4uz
-  eudeluzb

Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги

-  Истиклол кўчаси, 51-уй,
100047, Тошкент ш.
-  (+998 71) 236-37-90
-  www.mahallakengashi.uz
-  [mahallakengashi.uz](https://www.instagram.com/mahallakengashi.uz)
-  [mahallavaoilainfo](https://www.facebook.com/mahallavaoilainfo)

SOS Ўзбекистон Болалар Маҳаллалари уюшмаси

-  Пойтахт бизнес маркази Ш.Рашидов кўчаси
16, Тошкент ш, 100029
-  (+998 78) 140-97-27/28/29
(+998 78) 140-97-30
-  info@sos-kd.uz
www.sos-kd.uz
-  [sos_cv_uzbekistan](https://www.instagram.com/sos_cv_uzbekistan)
-  [sos.childrens.villages.uzbekistan](https://www.facebook.com/sos.childrens.villages.uzbekistan)

Мазкур нашр Европа Иттифоқининг молиявий кўмагида яратилди. Ундаги маълумот бўйича маъсулият
тўлаётганга "SOS - Ўзбекистон болалар маҳаллари" уюшмасининг зиммасида бўлиб,
ҳар доим ҳам Европа Иттифоқининг қарашларига мос келмаслиги мумкин.



 **SOS BOLALAR
MAHALLALARI**
O'ZBEKISTON




УЛАРНИНГ ВОҚЕАЛАРИ...

“Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар
ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш” лойиҳаси



Тошкент - 2020



Ўқувчи!

Бу китобчада биз Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган “Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш” лойиҳасининг ёрдами билан ҳаёти у ёки бу даражада яхшиланган, “муваффақиятга эришган” оилаларнинг воқеасини ёзганмиз.

Воқеаларимизда биз бў инсонларнинг ҳаётлари, уларнинг кўнглидан ўтган ташвишлари, ҳаёт қийинчиликлари билан қандай курашганликлари, ҳаётларининг маълум бир даврида улар тушиб қолган вазиятларни ва уларнинг ҳаётини яхшилаш учун ҳамжиҳат бўлиб нима иш қилганимизни айтиб берамиз.

Китобчамизда фақат “қаҳрамонларимиз”нинг ўзлари чоп этишга рухсат берган воқеалари, шахсий маълумотлари ёзилган. Баъзиларининг исми ўзгартирилган, илтимос қилишгани учун эса баъзиларининг сурати чоп этилмаган.

Лойиҳа ҳақидаги қисқача маълумот

Лойиҳамиз 2018 йилнинг январидан 2020 йилнинг июнигача Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида ишлади.

Мақсад – ҳамжамият берадиган ижтимоий ёрдам намунасини жорий этиш йўли билан болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасида фуқаролик жамияти ташкилотлари, маҳаллалар ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўлди.

Яъни, маҳалладагилар ёрдам сўраб яшаш жойларидаги “Маҳалла” фуқаролар йигинларига мурожаат қилишади, у ердаги тренинг ва семинарларда ўқиган, амалий дарсларда билим олган мутахассислар эса лойиҳа доирасида тузилган, жойлардаги Поликлиникалар, Ички ишлар органлари, Васийлик ва ҳомийлик органлари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, Мактаб ва Мактабгача таълим муассасалари ва SOS болалар маҳаллаларининг асосий ходимларидан иборат бўлган “умумий команда” билан ҳамкорликда мурожаат этган ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга ҳар томонлама психологик, ҳуқуқий маслаҳат ёрдами беришади.



Биринчи воқеамиз лойиҳа доирасида ёрдам берилган Хоразм вилоят Урганч шаҳар "Гулшан" маҳалласида яшовчи Маликанинг оиласи ҳақида бўлади.

Бешта фарзанднинг онаси Малики биринчи марта 2019 йилнинг 23-февраль куни маҳаллага мурожаат қилиб фуқаролар йиғинининг оила, аёллар ва ижтимоий-маънавий ишлар бўйича мутахассисига охириги вақтда уни безовта қилаётган қийинчиликларни гапириб берди. Гапидан маълум бўлдики, турмуш ўртоғи кўп ичадиган бўлиб қолган, шунга уйдаги вазият анча ёмонлашган, баъзан эри Маликага қўл кўтаришни ҳам одат қилган. Эри "Яшнар" фирмасида чилангар бўлиб ишлайди, ножўя одати учун бир марта уни ишдан бўшатмоқчи ҳам бўлишган, лекин маҳалла йиғинидагилар илтимос қилиб, оиланинг бошқа боқувчиси йўқлигини айтиб уни ишда олиб қолишган.

"Маликанинг оиласи нотинч, кам таъминланган оилалар рўйхатида туради", дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, аёллар ва ижтимоий-маънавий ишлар бўйича ўринбосари А. Алланазарова.

Маҳалла мутахассиси раис билан бориб оила яшайдиган уйни кўришди. Уйни кўриб шароит антисанитария ҳолатида эканини, 5 нафар боланинг ҳаммасига яшаш учун жой етарли эмаслигини, оддий қулайликлар, хусусан, қизлар учун алоҳида хона, ҳаммом ва ювунуш хонаси йўқлигини билишди. Оилада доим ота-оналар билан болалар ўртасида жанжал чиқиб туради. Оила ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинганидан (чуқур баҳоланганидан) сўнг Маликани ишга кириш билан боғлиқ муаммоси борлиги маълум бўлди. Аёл ўрта мактабнинг бошланғич синфида ўқиган холос, ўқишни, ёзишни билмайди ва шунинг учун ҳам қонун билан боғлиқ бир қатор муаммога дуч келган. Маликанинг эри ичкиликка берилиб кетган, жанжалкаш, ички ишлар органи ҳисобида туради. Болалари мактабга бир бориб, бир боришмайди. Ота-она оилада ота-онанинг вазифалари нималардан иборат эканлигини яхши билмайди, болалар эса шахсий гигиенага амал қилишмайди. Яшаш жойлари талаб доирасида эмас, уй таъмирталаб аҳволда.

Оиланинг эҳтиёжларини ўргангандан кейин мутахассис томонидан қилинадиган ишлар аниқ белгилаб олиниб, оилани ривожлантириш режасини (ОРР) тузди, лекин олдин оиладагиларнинг барча азолари тиббий кўриқдан ўтишга жўнатилди. Тиббий текширув болаларда гельминтоз ва педикулёз борлигини кўрсатди. Маликага эса гипертония ва ортиқча семириш диагнози қўйилди, шифокор Маликага даволаниш ва қаттиқ парҳез қилишни тайинлади. Даволанганидан сўнг у бир мунча озди, натижада соғлиғи ҳам яхшиланди.

Бир ойдан кейин маҳалла мутахассиси Урганч шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ариза билан мурожат қилди, 2019 йилнинг мартада Маликани вақтинча ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. Бундан ташқари, маҳалла уни Шовот шаҳридаги бичиш ва тикиш курсига жўнатди.

Ички ишлар инспектори ҳам таклиф этилиб оилада ота билан профилактик суҳбати ўтказилди, инспектор 3 ой давомида ҳар куни оиладан хабар олиб, бу вақт давомида оилани кузатиб борди. Натижада Маликанинг турмуш ўртоғи камроқ ичадиган ва купрок вақтини уйда болалар билан ўтказадиган бўлди.

Маҳалла раисининг оила, аёллар ва ижтимоий-маънавий ишлар бўйича ўринбосари синф раҳбари билан биргаликда оиланинг катта қизи билан суҳбатлашди, суҳбатга мактаб психолоғи ҳам жалб қилинди. Маҳалла томонидан оилага 6 ой давомида ҳар ойда 600 минг сўмдан кам таъминланган оилалар учун туланадиган моддий ёрдам нафақаси берилди.

Ота-она маҳаллада ўтказилган ота-оналик кўникмаларини шакиллантириш мавзусидаги дарсларида қатнашишди (Аёллар комитети олдин ҳам бундай дарсларни ташкил қилган эди). Болалар маҳалла ҳамшираси ўтказган тозалик дарсларида қатнашишди, шахсий гигиена қоидаларини билиб олишди. Болалар спорт секцияларига қизиқиб қолишди ва уларга қатнай бошлашди. Маҳалла кенгаши томонидан тайинланган ҳомий оилага тозалик воситалари (ювиниш воситалари, сочиқ ва ҳк.) олиб берди. Бундан ташқари, уйни таъмирлашга ёрдам беришларини сўраб касаба уюшмасига ариза берилди. Касаба уюшмаси томонидан оилага берган 10 млн. Сўм маблағ оиланинг яшаш шароитини яхшилашга сарфланди, ҳаммом, ҳожатхона қурилди.

"Кредитга печка, гўшт қиймалағич, миксер олдик. Қизларим билан ҳозир пишириқ қиляпмиз. Улар (маҳалладагилар) таъмирлашга ёрдам беришди, сув иситадиган Ariston қозони қўйиб кетишди, душхона қуриб беришди. Маҳаллада ҳозир жамоатчилик ишида ишляпман, ойига 600 минг сўм оляпман. Бу менинг оиламга жуда катта ёрдам берди".

М. Маткаримова – лойиҳа бенефициари.



Фотосурат муаллифи Н.Пак, июль 2019 йил

2019 йилнинг 23-майида оиланинг отаси ички ишлар ҳисобидан чиқарилди. Ҳозир уйдаги аҳвол жойига тушган, ҳамманинг иши бор, болалар мактабга боришади, ота-она эса ишлайди. Олдин оилада бўлиб турадиган келишмовчиликларнинг кўпи ҳозир ўтмишда қолиб кетди. Бу оила ҳақида олган видео лавҳамизни Facebook -SOS.Childrens.Villages.Uzbekistan манзилидаги саҳифамизда кўришингиз мумкин.

Кейинги воқеамиз 2019 йилнинг майида, Дилором ёрдам сўраб Хоразм вилоят, Шовот туманидаги "Асавей" маҳалла қўмитасига мурожаат қилганида бошланди. Дилоромнинг оиласида уй билан боғлиқ муммо пайдо бўлганди. Ота-онаси вафот этганидан кейин Дилопромнинг турмуш ўртоғи билан акалари ота-онасидан қолган уйни бўлиб олиш масаласида келишолмай қолишганди. "Асавей" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, аёллар ва ижтимоий-маънавий ишлар бўйича ўринбосари Зулхумор Таганова оилани бориб кўрадиган бўлди.

"Оиланинг аҳтиёжини, имкониятларини билиш учун оиладагилар, қўшнилари, қариндошлари билан гаплашиб олишим керак эди", дейди З. Таганова – оила, аёллар ва ижтимоий-маънавий ишлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари.

Чуқур баҳолаш ишларини ўтказганидан кейин мутахассис ота-она кичкина қизи билан битта хонада яшашини, қизларига яна битта алоҳида хона кераклигини билди. Дилоромнинг турмуш ўртоғи – I гуруҳ ногирони, ногиронлик нафақаси олади, оиланинг бошқа даромади йўқ. **Маблағи етмагани учун оила тўлақонли ва мувофиқ овқатланолмасди, боланинг калорияли иссиқ овқат ейиш, мавсумга мос кийиниш** каби асосий эҳтиёжлари қондирилмасди. Қизчанинг муомала қилиш, етакчи бўлиш қобилиятлари ривожланмаганди, тенгдошлари билан муомала қилишга қийналарди, тортинчоқ бўлгани учун бировга қўшилолмасди.

Оилага нафақат ҳуқуқий, балки психологик, ижтимоий, моддий ва таълим ёрдами бериш керак эди.

Дилором жудаям тушкун бўлиб қолганди, ўзига ишонмай қўйганди, унинг оиласи билан битта уйда турадиган қариндошлари эса уларнинг аҳволини янаям оғирлаштирар, эр-хотинга ёрдам беришмасди. Маҳалла раисининг оила, аёллар ва ижтимоий-маънавий ишлар бўйича ўринбосари биринчи навбатда Дилоромнинг тушкунликдан чиқишига ёрдам бериш керак, деган фикрга келди. Ёрдам бериш ва руҳий эмоционал аҳволини тўғрилаш учун уни Ургангдаги SOS болалар маҳалласи психологининг қабулига йўналтирилди.

Маҳалла раисининг оила, аёллар ва ижтимоий-маънавий ишлар бўйича ўринбосари, барча оила аъзоларининг ҳуқуқини эътиборга олиб, оиланинг уй-жой муаммосини ҳал қилиш керак эди. Бундан ташқари, оиланинг даромадини ҳам кўпайтириш, бунинг учун эса Дилоромни бир бир ишга жойлаш лозим эди. Иш излаш вақтида оилага моддий ёрдам билан озиқ-овқат пакети бериб туриладиган бўлди.

Бундан ташқари, кўпчилик билан ва алоҳида ўтиладиган дарслар, тадбирларда қатнаштириб **фикрини кенгайтириш, ўзига муносабатини яхшилаш, ўзига ишончини ошириш, тортинчоқлигини ва бошқаларга қўшилолмаслик одатини кетказиш учун** Дилоромнинг қизи SOS болалар маҳалласидаги машғулотларга йўналтириладиган бўлди.

"Она билан қизи Ургангдаги SOS болалар маҳалласидан психологик ва ижтимоий ёрдам олишди. Психологнинг ёрдами билан Дилором кўнглидаги яра нимадан бўлганини тушунди, қариндошлари билан чўзилиб кетган келишмовчиликдан чиқиш йўлини топди, қизи билан муомала қилишни ўрганди, ўзининг қадрини биладиган бўлди, она сифатида ўзига ишончи кўпайди. Фарздандининг безовталигини камайтириш, бир-бирларига муносабатларини яхшилаш учун у қизи билан ҳам, алоҳида ҳам гуруҳий психологик машғулотларида қатнашди".

М. Мамедова - Хоразм вилоят Шовот шаҳридаги SOS болалар маҳалласининг ижтимоий ходими.

Маҳалла раисининг ёрдами билан уй ака-укалар ўртасида бўлиб олинди ва қизининг алоҳида хонаси бўлиши учун Дилоромнинг оиласига яна битта хона берилди. Маҳалла кенгаши ҳомийларнинг (маҳалла аҳолиси, тадбиркорларнинг) ёрдами билан оилага моддий ёрдам берди, тўлақонли ва мувофиқ овқатланишлари учун уларга бундан ташқари озиқ-овқат пакетлари ҳам ажратилди. Дилором ўзини тўғри, тартибли ва меҳнаткаш ишловчи эканини кўрсата олди ва шу сифатлари учун уни маҳаллага ишга олишди, оиланинг даромади кўпайди.



Кўпчиликнинг ҳаракати билан Дилоромнинг оиласидаги муаммоларнинг бир қисми ҳал бўлди, асосийси эса, Гулзода ўзининг алоҳида хонасида яшайдиган бўлди. Энди қизнинг уйда ўз хонаси, алоҳида дарс қиладиган жойи бор эди.

Ҳозир Дилором билан Қувондиқнинг оиласи ортиқча жанжалсиз тўпланиб қолган муммони ҳал қилганидан хурсанд. Улар қариндошлари билан янаям яқинроқ бўлишди, бундан ташқари, бирор қийинчилик бўлса уларга ёрдам берадиган инсонлар борлигини ҳам билишади.

Фотосурат муаллифи М. Мамедова, июнь 2019 йил.

Эндиги воқеамиз 2019 йил апрелда ёрдам сўраб маҳаллага чиққан Дилфуза ҳақида бўлади. Унинг муаммоси – оиласидагиларнинг ҳаммаси ишсиз, моддий ёрдамга муҳтож бўлиб қолишганида эди.

Маҳалла мутахассиси аҳволни чуқур ўрганиб, баҳолагандан кейин оилада қуйидаги муаммолар борлигини маълум бўлди: оиланинг беш нафар фарзанди бор, битта уйда ҳаммаси бўлиб етти нафар одам яшайди, уларнинг учтаси ўрта маълумотли, ишламайди. Мактабга борадиган болаларнинг дафтар, қалами йўқ, мактабга киядиган пойабзали, ва устки кийими йўқ, коммунал хизматлардан қарзлари тўпланиб қолган, озиқ-овқат олишга пуллари йўқ, уйда вақтида иссиқ овқат пиширилмайди, уйнинг санитария-гигиеник аҳволи қониқарли эмас, болаларнинг кийими кир. Болалар шахсий гигиенани амал қилишмайди. Битта фарзандининг сурункали касали бор. Ота-она деярли ҳар куни жанжал қилади. Аёл баъзи баъзида вақтинчалик кунлик ҳақ туланидиган ишларга боради.

Оиладаги вазиятни ўзгартириш учун мутахассисимиз шундай бир режа тузди: оиладагиларнинг ҳаммаси поликлиникага жўнатилиб тиббий кўриқдан ўтказилади, уларнинг муаммоси Ижтимоий ёрдам комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилади, моддий ёрдам берилади, Дилфузанинг ўзи психологдан маслаҳат олишга жўнатилади, ота-она эса маҳаллада ўтказиладиган ота-оналикни ўргатадиган семинар ва шу мавзудаги дарсга чақирилади. Бундан ташқари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ариза бериб уларга иш топиш ва СЭС ходимлари билан шахсий гигиена ва уйни тоза тутиш ҳақида суҳбат ўтказиш, уйни дезинфекция қилиш ҳам режага қўшиб қўйилди.

Режадан ишга ўтдик! Оиладагиларнинг ҳаммаси поликлиникада тиббий кўриқдан ўтишди. Катта ўғилга веналарнинг варикоз кенгайиши диагнози қўйилди, бошқа ўғилнинг энурези борлиги аниқланди. Керакли даволаш тайинланди. Бошқа болаларнинг соғлигида муаммолар аниқланмади. Ҳомийларнинг ёрдами билан болаларнинг мактабига керак бўладиган дафтар, қалам, ручка ва бошқа керакли нарсаларнинг ҳаммаси олиб берилди.

Кам таъминланган оила деб маҳалла кенгаши томонидан оилага 6 ойгача ҳар ой 460 минг сўмдан моддий ёрдам бериб турилди. Оиладагилар имтиёзли кредит олишди, Дилором бу пулга керакли ошхона асбоблари харид қилди ва ҳозир сотиш учун уйда пишириқ пишириш билан шуғулланаяпти.

Ота-она билан катта ўғилни маҳалладаги ҳақ туланидиган жамоат ишларига жалб қилинди. Даромадлари кўпайгандан кейин оила коммунал хизматлар ҳақини вақтида тўлаб турадиган бўлишди

Эр хотин ўртадаги муносабатни яхшилаш ва Дилфузанинг қайнотаси билан муносабатларини тяхшилаш учун психологик курслардан ўтишди. Даволаш курсидан кейин эр-хотин бир-бири билан жанжаллашмайдиган бўлишди, Дилфузанинг қайнотаси билан муносабатлари яхшиланди.

Дилфузанинг иккита ўғли мусиқага қизиқади, шунга мусиқа мактабига боришади. Улар Урганч шаҳрида бўлган халқ мусиқаси ва шеърояти конкурсида қатнашишди (фотосурати берилган).



Фотосурат муаллифи Б. Бобожонов, 2020 йил февраль.

Онанинг ўзи Урганч шаҳридаги SOS болалар маҳалласида бўлган ота-оналик кўникмаларини ошириш дарсларида қатнашди.

"Ҳозирги аҳволимиздан ўзимиз хурсандмиз: ёрдам олдик, оиламизнинг даромади кўпайди, бир-биримизга муносабатимиз яхшироқ бўлди", дейди лойиҳа бенефициари Дилфуза Н.



Фотосурат муаллифи Б. Бобожонов, 2020 йил февраль.

Энди Самарқандда бўлган ишларга ўтамыз. Бу ерда тўртта ҳудуд – иккита шаҳар ва иккита туман маҳалласида лойиҳамизни бошлаб бир қанча оила билан ишладик

2018 йилнинг октябри Самарқанд шаҳридаги "Илмобод" маҳалласига битта ўзи иккита ёш болани катта қилаётган она мурожаат қилди. Аёл маҳалла мутахассисига қайғу билан қараб *"Ўзим ҳаракат қилиб иш тополмаяпман. Яна, катта қизимни мактабга, кичкинасини боғчага беролмаяпман. Ёрдам бероласизми?"*, деб сўради.

"Ёрдам берамиз", деди маҳалла мутахассиси Нодири Ҳалимова ва тез оиладаги аҳволни баҳолашга киришди. Ўтказилган баҳолашдан маълум бўлдики, оиладагиларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлари йўқ экан. Шунинг учун аёл фақат норасмий, яъни, фақат вақтинча бир марталик кунлик ҳақ тўланадиган ишларда ишлашга мажбур бўларкан. Кўп вақтини даромад оладиган жой қидиришга сарфларкан. Мутахассис оилага ёрдам беришни нимадан бошлаш кераклигини тушунди.

"Бирлашган команда" ёрдам берди, Самарқанд шаҳар 3-сон ФХДЁ бўлими бошлиғи болаларга туғилганлик гувоҳномасини расмийлаштирди. Ҳужжат олгандан кейин катта қизи 14-мактабга борадиган бўлди.

Оиланинг молиявий аҳволи анча оғир эди, чунки даромад келиб турадиган жойи йўқ эди. Бу муаммони вақтинча ҳал қилиш учун "Маҳалла" томонидан оилага олти ойгача ҳар ойда 376 минг сўмдан моддий ёрдам бериб турадиган бўлди. Аёл соғлиғидан шикоят қилгани учун маҳалла уни тиббий кўриқдан ўтишга жўнатди. Аёл шифохонага ётиб тўлиқ тиббий кўриқдан ўтди. Бир неча ойдан кейин эса "Ободонлаштириш" бошкармасидан унга доимий иш топиб беришди.



Фотосурат муаллифи А. Расулов, 2019 йил октябрь.

"Илмобод" маҳалласининг раиси сантехника хизмати билан шуғулланадиган ташкилотни топиб оиланинг бу борадаги муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берди.

"Ҳозир оиладаги аҳвол қандайлигига қараб турибмиз. Мутахассис бўлганим учун айтмоқчиман, оиладагилар ҳозир анча яхши яшашаяпти. Биринчи марта Илмия кулганини кўрдим"*, дейди Н. Ҳалимова (оила, аёллар ва ижтимоий-маънавий ишлар бўйича маҳалла раиси ўринбосари).

Эндиги оилани эса SOS болалар маҳалласи Самарқанд филиали Оилани қўллаб қувватлар хизмати (ОҚҚ) 2018 йилнинг октябрида лойиҳага жўнатган эди.

Нигора исмли аёл тушкун бир аҳволда маҳалла кўмитасига чиқиб *"Эрим билан орамиз анча ёмонлашган, молиявий муаммоларимиз бор, нима қилишни билмайман"*, деди.

Нигора билан гаплашгандан кейин маҳалла мутахассиси оиладаги аҳволни баҳолади ва аёлнинг иккита ёш боласи борлигини, ўзи ҳеч қаерда ишламаслигини билди. Эри кўп ичаркан, доим уйидагилар билан жанжал қиладиган одати бор экан. Эр билан хотин қонуний никоҳдан ўтмаганди, молиявий аҳвол эса кундан-кунга ёмонлашиб борётганди, чунки эрнинг ҳам, хотиннинг ҳам доимий ишлайдиган жойи йўқ эди. Эр-хотин доим жанжал қилаверганига қўшнилари билан ҳам муносабатлари анча ёмонлашган.

Шу оиладаги аҳволни тузатиш учун қуйидаги **"ҳаракат режаси"** тузилди: эр-хотин ФХДЁ бўлимида қонуний никоҳдан ўтади, иккаласига ҳам иш топиб берилади, маҳалла оилага молиявий ёрдам бериб туради. Соғлиғи ёмон бўлгани учун аёл билан ўғлини шифохонага ётқизиш, эрини даволаш учун наркологик диспансерга жойлаштириш, қўшнилари билан алоқани яхшилаши учун эса оила билан суҳбат ўтказиш керак эди.

Тез **режани бажаришга** киришдик. Нигора билан ўғли Самарқанд шаҳар шифохонасида даволаниб чиқишди, ҳозир аҳволлари анча яхши. Эр-хотиннинг никоҳи Самарқанд шаҳар 3-сон ФХДЁ бўлимида расман руйхатга олинди. Маҳалла котиби оилага молиявий ёрдам бериш учун керакли ҳужжатларни расмийлаштирди. Ички ишлар бўлими инспектори аёлнинг эрини наркологик диспансерда даволаш билан шуғулланади. Мутахассислар ёрдам бериб бир қанча вақтдан сўнг у диспансердан даволаниб чиқди. Оиланинг молиявий аҳволини яхшилаш учун эр-хотин "Дакатекс" компаниясига ишга жойлаштирилди. Яраштириш комиссияси оиладагилар билан суҳбат ўтказиб қўшнилари билан муносабатларини яхшилашга ёрдам берди. Ҳозир уларнинг ҳамма келишмовчилиги орқада қолган.



Фотосурат муаллифи А. Расулов, 2019 йил август.

Бу воқеа ҳам иккита боласини бир ўзи катта қилаётган она ҳақида ёзилган. 2018 йилнинг кузида у ҳам ўша маҳалла мутахассисининг олдига келиб эри билан бирга яшамаётганини, ишсизлигини айтди.



SOS болалар маҳалласининг ижтимоий ходими оиладаги аҳволни ўрганганидан кейин аёлнинг молиявий аҳволи анча ёмонлигини, ўзи тушкунликка тушиб қолганини, тиббий ёрдам кераклигини билди.

Фотосурат муаллифи А. Облоқулов, 2019 йил август.

Маҳалла мутахассиси режа тузиб биринчи навбатда психолог чақириб, тушкунликдан чиқариш учун аёлга психологик ёрдам бериш кераклигини белгилаб қўйди. Психолог ўтказган санъат билан даволаш, қум билан даволаш муолажаларидан кейин аёлнинг ўзига ишончи кўпайди, болаликдаги кўнгил жароҳатлари тузалди, тушкунликдан чиқди. Унга яна ҳаётда мақсад топишга ҳам ёрдам беришди. Биринчи ўриндаги мақсад эса иш топиш бўлди

Лекин иш излашдан олдин аёлнинг KOICA (Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги) марказида касб ўрганишига ёрдам берилди. Компютерда ишлаш курсини битирганидан кейин эса у Самарқанд шаҳридаги таниқли тўлов тизимига оператор қилиб ишга олинди.

То ишга киргунча Маҳалла томонидан оилага моддий ёрдам бериб турилди. Оила 6 ойгача ойига 376 минг сўмдан ёрдам олиб турди. Бир оздан сўнг аёл Самарқанд шаҳар шифохонасида тўлиқ тиббий кўриқдан ўтди.

"Ҳозир аҳволим анча яхши", дейди лойиҳа бенефициари Ч. Раҳматиллаева.

Эндиги воқеа қаҳрамони эса лойиҳамизга ўзи ёрдам сўраб келди. Дилдоранинг турмуш ўртоғи яқинда вафот этганди. Иккита болани катта қилиш аёлнинг бир ўзига қолиб кетди. Эри ўлганидан кейин эрининг қариндошлари билан келишолмай қолишди. Молиявий аҳволи ёмонлашиб кетди.

Аёл билан суҳбатлашганидан кейин "Қуйи Туркман" маҳалласининг мутахассиси унга моддий ёрдам ажратди. Ҳомийлар - лойиҳа иш бошлаган ўша маҳалла халқи, тадбиркорлар ҳар ой оилага "озик-овқат пакети" бериб турадиган бўлишди.

Лекин бу ёрдам вақтинчалик, Дилдоранинг ўзи даромад топадиган бўлиши



керак эди. Яхши томони, аёлнинг ўрта махсус маълумоти бор эди, тиббиёт коллежини тугатганди. Шунинг учун мутахассислар тўғри келадиган иш топиш учун уни меҳнат биржасига жўнатишди. Бир оздан сўнг аёл Санитария ва эпидемиология хизматида кичик тиббий ходим қилиб ишга олинди, у ердан эса аёлни малака ошириш курсига жўнатишди.

Бундан ташқари, оила имтиёзли кредит олиб унга тикув машинаси сотиб олди. Мактабга бориб юрган вақтидаёқ Дилдора тикишга қизиқарди. Лекин олдин тикиш фақат қизиқиш бўлса, энди бу қизиқиши унга даромад ҳам берадиган бўлди. Ҳозир Дилдора уйда, ўзи яхши кўрадиган иш қилаётганига, кўпроқ вақтини болаларига бераётганига хурсанд.

Фотосурат муаллифи Г. Мамаражабова, 2019 йил декабрь.

Бу воқеада ҳуқуқшуноснинг ҳам хизмати катта бўлганини алоҳида айтиб ўтиш керак. Ҳуқуқшуноснинг ёрдами билан оила имтиёзли уй олишга керак бўладиган ҳужжатларни йиғди. Ҳужжатларни топширганидан кейин эса туман ҳокимиятида навбатга турди ва 2019 йилнинг декабрида туман ҳокимияти оилага биринчи бадалини имтиёзли тўлаш шарти билан 2 хонали уйнинг капитини берди.

2018 йилнинг сентябрида Юлдуз исмли аёл лойиҳа ишлаётган "Қуйи Туркман" маҳалла қўмитасига келиб оиласига уй кераклигини айтди.

Оиланинг аҳволига баҳо берилганидан кейин эр-хотиннинг никоҳи ФХДЁ бўлимида қонуний расмийлаштирилмагани маълум бўлди. Аёлнинг эри II гуруҳ ногирони экан. Эри билан қайнота, қайнонасининг уйида яшаркан, битта фарзданди бор. Юлдузнинг ўзи ишсиз эди, оила молиявий қийинчиликка тушиб қолган, фақат эри ногиронлиги учун оладиган пенсияга қараб қолишганди. Оиланинг молиявий қийинчиликлари сабаб Юлдуз тушкун бўлиб қолган эди.

Оила молиявий қийин аҳволга тушиб қолгани учун "Маҳалла"нинг Ижтимоий ёрдам комиссияси уларга моддий ёрдам бериб турадиган бўлди. Бундан ташқари, аёлга руҳий ёрдам бериш, иш топиш керак эди. Эр-хотиннинг никоҳини қонуний расмийлаштириш, туман ҳокимиятидан енгил шарт билан уй олиш учун ҳужжат йиғишга ёрдам бериш ҳам керак эди.



Ўтказилган иш натижасида оила "Маҳалла" жамғармасидан моддий ёрдам оладиган бўлди. 1-сонли мактаб психологи аёлга психологик ёрдам берди. Алоҳида ўтказилган машғулотларда Юлдузга ички имкониятларидан фойдаланишни, ўйин кўринишида бўлган дарсларда эса ҳаётдаги қийинчиликларни енгилни ўргатишди.

Фотосурат муаллифи Г. Мамаражабова, 2019 йил март.

ФХДЁ бўлимига ариза топширишгандан кейин эр билан хотиннинг никоҳи қонуний расмийлаштирилди. Уй олиш учун тўпланган ҳужжатлар туман ҳокимиятига топширилди, 2019 йилнинг мартада эса оиллага уй берилди.

Бу оилани Самарқанддаги SOS болалар маҳалласи координатори билан лойиҳага қабул қилиб, ишга у билан бирга кураторлик қилганмиз. 2018 йилнинг кузида Дилрабо "Қуйи хўжа соҳат" маҳалла қўмитасига келиб молиявий ёрдам беришларини сўради.

Ижтимоий ходим оиланинг аҳволига баҳо берганидан сўнг олий маълумоти бўлгани билан Дилрабо ҳеч қаерда ишламаслигини, иккита ёш боласи борлигини билди. Соғлиғи яхши бўлмагани учун эри оғир ишда ишлолмасди, бундан ташқари, унга тиббий ёрдам ҳам керак эди. Аёл болаларини боғчага бергиси келгани билан молиявий қийинчилик сабабли бунга имконияти йўқ эди. Оиланинг аҳволига берилган баҳога қараб эр-хотинни ишга жойлаш, молиявий ёрдам олишларига ҳужжат расмийлаштириш, оилани тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш ва болаларини боғчага бериш режаси тузилди.

Оила тўлиқ тиббий текширувдан ўтганидан кейин она билан болаларининг жиддий касали йўқлиги, лекин отасининг буйраги шамоллагани маълум бўлди. Маҳалла қўмитаси ёрдам сўраганидан сўнг ҳомийлар оиланинг отасига керакли дориларни олиб беришди. Бундан ташқари, маҳалла қўмитасининг ўзи ҳам молиявий ёрдам кўрсатди, ҳомийлар эса озиқ-овқат пакети бериб туришди. Эр-хотин ишга жойлашгандан кейин эса оиланинг молиявий аҳволи анча яхши бўлди. Кейинчалик Дилрабо болалар боғчасига логопед бўлиб ишга кирди. Маҳалла тавсия қилгани учун Дилрабонинг болаларини боғчага бепул олишди.



Лойиҳанинг Самарқанд вилоятидаги координатори С. Примов шундай дейди: *"Оиладагилар берилган ёрдамни нимага ишлатишни билишади, ёрдамдан жуда миннатдор. Дилрабонинг кучли томони - олий маълумоти бор. Буни у энди оиласининг аҳволини яхшилашга ишлатмоқчи. У оиласини яхши кўради. Бу оила билан ишлаш жуда осон бўлди. Чунки уларнинг истаги жуда кучли эди."*

Фотосурат муаллифи С. Қосимова, 2019 йил июнь.

Бу воқеамиздаги аёл ҳам ўзи лойиҳага келган. 2018 йилнинг қишида у маҳалла қўмитасига келиб оиласига моддий ёрдам беришларини сўради.

Оиланинг аҳволини баҳолаганидан кейин маҳалла мутахассиси бу Заринанинг иккинчи турмуши эканини, эр-хотин шу пайтгача шариат никоҳида яшашаётганини билди. Эр-хотин эрининг ака-укалари билан битта уйда туришаркан. Эри кўп ичгани учун ака-укалари оилани уйдан чиқариб юборишганди. Улар ижарага олинган уйда туришарди, уйга муҳтож бўлиб қолишганди. Бундан ташқари, эр-хотин никоҳларини қонуний расмийлаштирмагани учун болаларининг туғилганлик гувоҳномаси йўқ, шунга уларни мактабга бериб бўлмасди.

Маҳалла мутахассиси оилани ривожлантириш режасини тузди. Унга кўра эр-хотиннинг никоҳи ФХДЁ бўлимида қонуний расмийлаштирилиши, болаларига туғилганлик гувоҳномаси олинishi керак эди. Чунки шахсини тасдиқлайдиган ҳужжати бўлсагина болани мактабга бериш мумкин эди. Яна, оилага моддий ёрдам бериш ва иложи борича тезроқ Заринани ишга жойлаш белгилаб қўйилди. Енгил шарт билан уй олиш учун ҳужжат йиғиш, бу масалада оилага ҳуқуқий маслаҳат ҳам бериш керак эди.

ФХДЁ бўлимининг ёрдами билан эр-хотиннинг никоҳи қонунан расмийлаштирилди, болаларига туғилганлик гувоҳномаси олинди.



Ҳужжатлари бўлгани учун иккала болани ҳам бирор қийинчиликсиз мактабга олишди. Ҳозир маҳалла халқи, ҳамкор ташкилотлар оилага доим қараб турибди, зарур бўлганда эса моддий ёрдам бераёпти. Оиладагиларнинг биттаси биринчи гуруҳ ногирони бўлгани учун оиланинг уй олишга ҳуқуқи бор эди. Шу мақсадда Самарқанд шаҳар ҳокимиятига ариза берилди. Шундан кейин Самарқанд шаҳар ҳокимияти оилага уч хонали уй берди. Имтиёзли кредитга оила тикув машинаси олиб аёл уйда кийим тикиб, даромад оладиган бўлди. Ҳомийларнинг ёрдами билан битта ўғилларининг суннат тўйи ўтказилди.

Фотосурат муаллифи Г. Шарапова, 2019 йилнинг марти.

Лойиҳанинг яна битта ҳолатда маҳалла кўчабошиси Малика маҳалла қўмитасига чиқиб кушнилари бир неча кундан бери жанжал қилаётганини, оила ажралиб кетиши мумкинлигини айтди. Оиланинг каттаси ишсиз қолганига кўп ичадиган, хотини билан жанжаллашадиган бўлиб қолганди. Маълум бўлдики, кичкина қизлари отасига қаттиқроқ гапирган, натижада ўртадаги муносабатлари бузилган, охирида эса бир-бири билан гаплашмай қўйишган.

Чуқур баҳолаш ўтказилганидан кейин ичкиликка берилиб кетгани учун ҳам эрини ишидан бўшатишгани маълум бўлди. Лобарнинг назарида, ичкилик ичганига, уйда жанжал қилаверганига ва Лобаргага ёмон қараганига болалар оталарини ёмон кўрадиган бўлиб қолганди. Синф раҳбарлари иккала боланинг ҳам мактабдаги ўқиши ёмон бўлиб кетганидан шикоят қилишган.

"Оиладаги аҳвол жуда оғир эди", дейди лойиҳа ишлаган маҳалла мутахассиси Г. Шарапова. Қаттиқ киришиб, тез ҳаракат қилиш керак эди. Отага иш топиш, болаларнинг ўқиши, тарбияси билан шуғулланиш, оилага моддий ёрдам бериш, ота билан болаларнинг орасини яхшилаш керак эди.

Маҳалла қўмитаси оилага моддий ёрдам бериб турадиган бўлди. Ички ишлар инспекторининг ёрдами билан даволаш учун аёлнинг эри наркологик диспансерга ётқизилди, бундан ташқари у билан тушунтириш ишлари ўтказилди. Эри диспансердан чиққанидан кейин марказимизнинг ижтимоий ходими хотини билан муносабатларини яхшилаш масаласида у билан суҳбат ўтказди.

Бундан ташқари, оилага уларга тегишли саккиз сотих ер майдонидан самарали фойдаланиш борасида маслаҳат берилди. Натижада эр-хотин шу ерга кўкат, гул экадиган бўлишди. Шу иш оиладагиларни бир-бирига яқинлаштирди,



ҳамжихат ишлайдиган бўлишди, далада ишлаб бир-бири билан кўпроқ вақт ўтказадиган бўлишди. Катта ўғиллари тўгаракка қатнарди, уни мактабдан туманда ўтказилган "Ёш ўқувчи" мусобақасига жўнатишди. Отаси билан қизи ўртасидаги муносабатни яхшилаш учун қиз билан алоҳида машғулот ўтказилди. Охирида оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари яхшиланиб, аҳил яшайдиган бўлишди.

Фотосурат муаллифи Д. Аҳматов, 2020 йилнинг марти.

"Аҳил оиланинг хурсандлигини кўриб бутун ташвишларим эсимдан чиқди, иложи борича кўпроқ оилага ёрдам бергим келди", дейди "Юқори Туркман" маҳалласининг мутахассиси Гулдон Шарапова.

Бу бобимизда сизни лойиҳа иш бошлаган Тошкент шаҳридаги "Баҳор" ва "Хумоюн" маҳаллаларидаги бенефициарлар билан таништирамиз

2019 йилнинг баҳорида Фотима исмли аёл (бенефициар илтимос қилганига исмини ўзгартирдик) ёрдам сўраб келди. Уни бу ерга Миробод тумани фуқаролик ишлари бўйича судининг судяси жўнатганди. Гапидан маълум бўлдики, аёл эри билан ажралишмоқчи.

Маҳалла мутахассиси оилани чуқур баҳолаганидан кейин Фотима 2014 йил турмушга чиққанини, маҳаллага ёрдам сўраб келишдан олдин Яшнабод туманида яшаганини билди. Улар билан битта уйда эрининг ота-онаси, оиласи билан акаси ҳам яшарди. Фотиманинг иккинчи фарзанди аллергияга мойиллик билан туғилган, кейин унинг бу касали сурункали астмага айланган. Қизи касал бўлгани учун аёл доим унинг ёнида туришга мажбур бўлган. Шунга уйдаги ишларни қилишга улгурмаган. Натижада эр-хотин ўртасида жанжал чиққан, эри хотинини урган. Доим жанжал чиқаверганига 2018 йил Фотима болаларини олиб ота-онасининг уйига кетиб қолган. Ота-онасининг уйига келганидан кейин у қизининг соғлиғи билан кўпроқ шуғулланадиган бўлган. Қизини даволашга пул керак эди. Чунки аҳволи оғирлашмаслиги учун ҳар 6 ойда қизини Республиканинг тоғли жойларига олиб бориб даволаш тавсия қилинганди. Фотима моддий ёрдамга, психологнинг кўмагига муҳтож бўлиб қолганди. Эри ҳар доим ҳам ёрдам бермасди. Шунга Фотиманинг ота-онаси куввлари билан чиқишолмай қолганди. 4 ва 2 га тўлган болалари мактаб ёшига етмагани учун аёл ишга киролмасди, уларни боғчага беришга эса имконияти йўқ эди.

Оидалаги аҳвол ҳисобга олиниб маҳаллий поликлиника мутахассиси жалб қилинадиган, боланинг соғлиғига қараб туриш учун навбатчи шифокор тайинладиган бўлди. Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлимига хат ёзилиб болани боғчага жойлашга ёрдам бериш сўраладиган, аёлнинг руҳий ва эмоционал аҳволини яхшилаш учун Оилани мустаҳкамлаш хизматининг психологи чақириладиган, ота-онаси билан муносабатини яхшилаш, эр-хотинни яраштириш чораси кўриладиган, Фотиманинг ўзига эса иш қидириладиган бўлди.

Маҳалла мутахассиси Фотиманинг ўғлини боғчага олишга ёрдам беришларини сўраб Туман ХТБ мудирига хат ёзди. Натижада ўғлини яшайдиган жойларидаги боғчага олишди, тўланадиган боғча пулини камайтиришди. Бундан ташқари, маҳалла мутахассиси суд мажлисида қатнашиб эр-хотинни ажратиш ишини кейинга қолдиришни илтимос қилди, уларга яна бир марта имконият беришларини сўради. Суд иш кўрилишини 6 ой кейинга сурди. Эр-хотиннинг оиласи билан тушунтириш иши ўтказилди. Натижада ота-оналари эр-хотин алоҳида яшашига рухсат беришди. Лекин отаси бўш вақтида болаларидан хабар олиб турадиган, дам олиш кунларини эса бирга ўтказадиган бўлишди.

Поликлиника Бош врачининг ёрдами билан Фотима 1 йилгача ҳар 6 ойда бепул тиббий текширувдан ўтиб турди ва даволанди.

Оилани мустаҳкамлаш хизмати мутахассислари билан бирга эр-хотинни яраштириш, Фотима билан қайнотасининг муносабатини яхшилаш учун психологнинг маслаҳати олинди, ижтимоий ходим ёрдам берди. Психолог билан ишлаганидан кейин аёлнинг эмоционал аҳволи анча яхши бўлди, жаҳлини болаларидан олиши деярли йўқ бўлди, қариндошлари билан жанжал қилишни тўхтатди, эри, қайнотаси билан муносабати яхши бўлди. Яшнабод туман "Иқбол" маҳалла мутахассиси билан бирга иккала томонни яраштириш учун эр-хотиннинг ота-онаси билан суҳбат ўтказилди, **ажралиш иши тўхтатилди**. Суҳбат натижасида эр-хотиннинг ота-онаси бир-бири билан ярашди, ўртадаги муносабатлари яхши бўлди. 2020 йил февралда эр-хотин яна бирга яшай бошлади.

Бу оиланинг воқеасида "ташвиш хабарини берадиган кўнғироқ" мактаб ота-оналар кўмитасидан келганди. Кўмита раиси лойиҳа ишлаётга маҳаллага келиб битта ўқувчининг паспорт олишига ёрдам беришларини сўради.

Оилага баҳо берган мутахассис "уканга қараб турасан", деб кўпинча онаси қизини мактабга юбормаслигини билди. Қизи йўқ деса онаси унга жисмоний куч ишлатар, шунинг учун қизча кўпинча юзи кўкариб мактабга келаркан. Баъзида қизча уйдан қочиб кетиб дугонасининг уйида ётиб қоларкан.

Қизчага ёрдам бериш учун тез ва натижаси бўладиган ҳаракат қилиш керак эди. Маҳалла мутахассиси ТИИБ бошлиғига хат ёзиб, оиласидаги аҳволни ҳисобга олиб ва кечиккани учун жарима талаб қилмасдан қизнинг паспорт олишига ёрдам беришларини сўради. Маҳалла мутахассиси қизнинг онаси билан алоҳида суҳбатлашди, унга Тошкент шаҳридаги SOS болалар маҳалласи Ижтимоий марказ мутахассисларининг ёрдамини таклиф қилди, лекин боланинг онаси рози бўлмади. Бундан ташқари, аёлга тунги ишини кундузги ишга алмаштириш ҳам маслаҳат берилди, лекин у бунга ҳам кўнмади.

"Аммо, анча вақт тўғри келадиган иш қидирганимиздан кейин аёл олдинги касбини ўзгартирди, ҳозир спорт клубида фитнес ўқитувчи бўлиб ишлаяпти, яъни, энди болаларига кўпроқ вақт берадиган бўлди", дейди лойиҳа ишлаган маҳалла мутахассиси С. Тўлаганова.

Қизчага яна психологик ёрдам ҳам берилди. "Хумоён" маҳалла кўмитаси керакли озиқ-овқат олиб бериб оилага моддий ёрдам кўрсатди. Қизча деярли ҳамма дарсларга бораяпти, баҳолари яхшиланди, паспорт олганидан кейин уйда рўйхатга туриш учун ҳужжат топширди. Бир ойда бир марта онаси психологдан маслаҳат олиб туради, энди қизини укасига қарашга мажбур қилмаяпти, иккаласининг ўртасида жанжал чиқиши деярли йўқ бўлган. Маҳалла кўмита раиси билан ички ишлар инспектори оилани назоратга олишган. Оиладаги соғлом муҳитни сақлаш учун улар бир ойда бир марта онаси ва қизи билан профилактика суҳбати ўтказиб туришади.

2020 йилнинг бошида бир аёл маҳаллага чиқиб эри билан ажрашмоқчи эканини айтди. Чунки эри кўп ичади. Натижада оилада доим жанжал чиқиб туради, аёл эса шунга асабий юридиган бўлиб қолган.

Оиладаги аҳволни баҳолаганидан кейин маҳалла мутахассиси эркак кўп ичишини, болаларини қаттиқ уришини билди. Яшаш шароити ҳам қониқарли эмасди, оилага каттароқ уй керак эди. Уйдаги жанжални эшитмаслик учун болалари кўпинча шу яқинда турадиган қариндошлариникига кетиб қолишарди. Аёл тушкун бўлиб қолганди, кичкина ўғли эса одомови бўлиб, ҳеч ким билан гаплашмай қўйганди. Ўқитувчилари иккала боланинг ҳам баҳолари ўртача эканини, лекин мактабга вақтида келишини айтишди. Оиланинг отаси ишламасди, бенефициарнинг ўзи эса олий ўқув юртида ўқитувчи бўлиб ишларди.

Шу кундан бошлаб маҳалла оилага қараб туришни ўз зиммасига олди. Мактаб психологи оиладгиларнинг ҳаммасига психологик ёрдам берди. Даволаш машғулоти ва ўзига ишончини ошириш машқларидан кейин, эри, болалар ва аёл секин-секин тушкунликдан чиқди. Мактаб ҳам болаларнинг ҳаётида иштирок эта бошлади. Оиланинг бир нафар ўғил фарзанди болалар клубига олинди, иккинчиси эса муомалани яхшилаш дарсларига жўнатилди. Натижада у бошқалар билан тез чиқишиб кетадиган бўлди. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази отанинг иш топишига ёрдам берди, унинг резюмесини тузишди. "В" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлгани учун унга шаҳардаги такси хизматидан иш топиб беришди. Маҳаллий поликлиника ҳам четда турмай оила аъзоларининг ҳаммасини кўриқдан ўтказиб турибди. Бу оилани яраштиришда маҳалланинг хизмати жуда катта бўлди, **натижада эр-хотин ажралмайдиган бўлишди.**

2019 йилнинг феввалида лойиҳамиз ишлаётган маҳаллага Оҳангарон шаҳрида туғилган, Тошкент шаҳридаги болалар уйида ўсган, эри билан никоҳини расмийлаштирмасдан яшайдиган, битта боласи бор аёл келди. Муаммоси – Тошкент шаҳрида рўйхатга қўйилмаган, ўғли билан синглизининг уйда яшарди. Аёл вақтинча рўйхатда туришга ёрдам сўраб келганди.

Аёл билан гаплашганимизда ўзи ҳам, боласи ҳам рўйхатга қўйилмагани учун ўғлини мактабга беролмаганини билдик. Оила фақат синглизини ногиронлиги учун оладиган нафақага тирикчирик қиларди. Синглизининг руҳий ва асабий ҳолати қониқарсиз эди. Имконияти чекланган инсонлар учун очилган махсус коллежни битирган синглизини ўша жойнинг ўзида рўйхатда турарди, ижтимоий муомалага лаёқати йўқ, одамлар билан муомала қилолмасди. Лойиҳа бенефициарининг ўзи ишсиз, ўрта мактабнинг фақат 8 синфини тугатганди.

Олдинги воқеаларга ўхшаб, бу ерда ҳам тез ҳаракат қилишга тўғри келди. Аёл маҳаллага келган вақтда аҳолини рўйхатга олиш бошланганди. Шу имкониятдан фойдаланиб маҳалла мутахассиси Мирзо Улуғбек туман паспорт бўлимига ва маҳалла инспекторига мурожаат қилди. Инспектор эса рўйхатда туриш учун қандай ҳужжатлар кераклиги ҳақида маслаҳат берди. Бир ҳафтадан кейин аёл, унинг ўғли ва синглизини **5 йилга вақтинча рўйхатга қўйилди.**

Маҳалла мутахассиси аёлнинг синглизини билан ишлашга Тошкент шаҳридаги SOS болалар маҳалласини ижтимоий ходимини таклиф қилди. Ижтимоий ходим у чегара ҳолатида эканини, ўзи билан ўзи бўлиб қолганини, психиатрнинг ёрдами кераклигини айтди. Ихтисослашган марказда олдин ҳам қизга ёрдам берган шундай мутахассислар бор эди. Улар янгидан ишга киришишди.

Бир оздан кейин аёлнинг ўғлини узлари яшайдиган жойларидаги мактабга олишди. Аёлнинг синглизини эса турган яшаш жойидаги поликлиниканинг ҳисобига қўйилди. Поликлиникада у ҳар чорак диспансеризациядан ўтиб турадиган бўлди, Чилонзор туман "Ишонч ва ҳаёт" НН ташкилоти эса унга тўлиқ ёрдам бериб турадиган бўлди. Психолог билан ишлагандан кейин қизнинг **муомалага лаёқати анча яхшиланди, атрофидаги одамлар билан гаплашадиган бўлди.** Аёлнинг ўзига эса иш топишга ёрдам берилди, онлайн ресурсда иш излаб шу жойдаги кафега ишга жойлаштирилди.

Китобчамизнинг охирида ҳамма бир бўлиб ишлашнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлганини айтиб ўтмоқчи эдик. Лойиҳа амалга оширилган вақтда оилаларга, болаларга тўлиқ ёрдам кўрсатилди. Яъни, уларга психологик, ижтимоий, ҳуқуқий маслаҳат берилди., моддий ёрдам ажратилди, ҳомийлар топилди, Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, жамоат ташкилотлари ва бошқалар кўмаклашишди.

Ўзлари ҳақидаги маълумотни шу китобчада нашр қилишга рози бўлган оилаларнинг ҳаммасига каттадан катта раҳмат деймиз.



Фотосурат муаллифи Н.Пак, июль 2019 йил

